

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMACI SINING
ҚАРОРИ**429 Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
ҳақиқий аъзоларини қўллаб-қувватлашни янада
кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари фаолиятини янада такомиллаштириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 29 декабрдаги ПФ-4907-сон Фармонига мувофиқ ҳамда Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзоларининг саломатлигини санаторий-соғломлаштириш ва курорт-соғломлаштириш муассасаларида мустаҳкамлаш тартиби тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари яшаш жойидаги соғлиқни сақлаш муассасаларида диспансеризациядан ўтказиб, унинг натижаларига кўра соғломлаштиришнинг тавсия этилган йўналишини кўрсатган ҳолда санаторий-курорт картаси очилиши ва курорт-соғломлаштириш ҳамда санаторий-соғломлаштириш муассасаларига йўлланмалар ажратиш учун уларнинг рўйхатлари бир ой муддатда шакллантирилишини;

2017 йилда йўлланмаларни ажратиш режасини, санаторийлар кесимида соғломлаштириш учун ҳар ойда ажратилган йўлланмалар сонини кўрсатган ҳолда, ишлаб чиқиб икки ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритилишини;

2017 йилда йўлланмаларни тақсимлаш режаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқлангандан сўнг ўн кун муддатда Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерациясининг Санатория-курортлар бошқармаси, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига қарашли санаторий-соғломлаштириш муассасалари ҳамда Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги «Ўзбекистон» курорт-соғломлаштириш акциядорлик жамияти билан шартномалар тузилишини ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларига йўлланмалар берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Вазирлар Маҳкамасининг Таълим ва илм-фан масалалари ахборот-таҳлил департаменти ҳамда

Соғлиқни сақлаш, экология, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт масалалари ахборот таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 31 май,
324-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 31 майдаги 324-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий
аъзоларининг саломатлигини санаторий-соғломлаштириш ва
курорт-соғломлаштириш муассасаларида мустаҳкамлаш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиклари фаолиятини янада тақомиллаштириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 29 декабрдаги ПФ-4907-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини ва уларни кузатувчиларни санаторий-соғломлаштириш ва курорт-соғломлаштириш муассасаларига юбориш тартибини, шу жумладан уларни соғломлаштириш шарт-шароитлари ва муддатларини, йўлланмаларни ажратиш ва молиялаштириш тартибини белгилайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг (кейинги ўринларда Фанлар академияси деб аталади) ҳақиқий аъзолари бир нафар кузатувчи билан бирга йилига бир марта ўзлари учун мақбул бўлган муддатда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига қарашли санаторий-соғломлаштириш муассасаларида ҳамда Ялта ва Кисловодск шаҳарларидаги «Ўзбекистон» курорт-соғломлаштириш акциядорлик жамиятининг санаторийларида (кейинги ўринларда санаторийлар деб аталади) соғломлаштириш курсидан бепул ўтиш ҳуқуқига эга.

Кузатувчи сифатида биринчи навбатда Фанлар академияси ҳақиқий аъзоларининг яқин қариндошлари бўлиши мумкин. Агар яқин қариндошлари бўлмаса, соғломлаштириш курсидан ўтувчи Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзо-

си томонидан Фанлар академияси билан келишилган ҳолда таклиф этилган шахс кузатувчи бўлиши мумкин.

3. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини ва уларни кузатувчиларни санаторийларга юбориш ушбу Низомнинг 1-иловасидаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

4. Фанлар академияси ҳақиқий аъзолари ва уларни кузатувчи шахслар санаторийларда соғломлаштириш курсини Вазирлар Маҳкамаси томонидан ҳар йили тасдиқланадиган Йўлланмаларни тақсимлаш режасига мувофиқ ўтадилар.

2-боб. Йўлланмалар олиш учун мурожаат қилиш

5. Фанлар академияси ҳақиқий аъзолари кейинги йил учун санаторийга йўлланма олиш учун ҳар йили 1 сентябргача Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

ушбу Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шакл бўйича ариза;
паспорт нусхаси;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;

кузатувчи тўғрисида маълумотлар (паспорт нусхаси, яқин қариндошлигини тасдиқловчи ҳужжат).

Фанлар академияси тақдим этилган ҳужжатларни ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ «Йўлланмалар сўраб ёзилган аризаларни рўйхатга олиш дафтари»да рўйхатдан ўтказилади.

6. Йўлланма унда кўрсатилган муддатда ҳақиқий ҳисобланади.

Фанлар академияси ҳақиқий аъзолари саломатлигининг ҳолатига ёки бошқа асосли сабабларга кўра йўлланмадан белгиланган муддатда фойдаланиш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, йўлланманинг амал қилиш муддати тугашидан камида икки ҳафта олдин Фанлар академиясига мурожаат қилиб, йўлланма муддатини ўзгартиришлари мумкин. Йўлланмада кўрсатилган муддатларни календарь йил мобайнида икки мартадан ортиқ кўчиришга йўл қўйилмайди.

7. Фанлар академияси саломатликни тиклаш муддати кўрсатилган ҳолда ариза берганларнинг рўйхатини шакллантиради ва ҳар йили 10 сентябргача Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этади.

3-боб. Соғломлаштириш йўналишларини аниқлаш

8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Фанлар академияси томонидан тақдим этилган рўйхатни олгандан кейин уни беш иш куни мобайнида Фанлар академияси ҳақиқий аъзоларининг доимий яшаш жойидаги тиббиёт муассасаларига етказилади.

9. Тиббиёт муассасалари тақдим этилган рўйхатлар бўйича бир ой муддатда Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини бепул диспансеризация-

дан ўтказадилар ва унинг натижаларига кўра санаторийда соғломлаштиришнинг зарур йўналишини аниқлайдилар.

10. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзосини диспансеризациядан ўтказиш натижалари асосида унинг тиббий картасида санаторийда соғломлаштиришнинг зарур йўналиши ва зид кўрсатмалар (улар мавжуд бўлганда) кўрсатилган ҳолда тегишли ёзув қайд этилади.

11. Тиббий картадаги ёзув асосида тиббиёт муассасаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзосига белгиланган шаклдаги санаторий-курорт картасини расмийлаштиради ва ушбу карта йўлланма олиш учун асос ҳисобланади.

Зарурат бўлганда, Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзосининг саломатлигида ўзгаришлар юз берган тақдирда санаторий-курорт картасига тузатишлар киритилиши мумкин.

12. Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

тиббиёт муассасаларидан ҳар йили 25 октябргача диспансеризациядан ўтган Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини соғломлаштириш йўналишларини ва санаторийлар номларини кўрсатган ҳолда тузилган рўйхатни олади;

беш иш куни мобайнида рўйхатни Фанлар академиясига тақдим этади.

13. Тиббиёт муассасаси раҳбари Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини диспансеризациядан ўтказишнинг белгиланган муддатлари таъминланиши, шунингдек тиббий ва санаторий-курорт картасида соғломлаштиришнинг зарур йўналиши тўғрисидаги ёзувларнинг ҳаққонийлиги учун шахсан жавоб беради.

4-боб. Йўлланмаларни тақсимлаш ва ажратиш

14. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тақдим этган рўйхат асосида Фанлар академияси ҳар бир санаторий бўйича келгуси йил учун Йўлланмаларни тақсимлаш режасини ишлаб чиқади ва санаторийларнинг юқори турувчи вазирликлари, идоралари ва ташкилотлари билан келишилган ҳолда 15 ноябргача Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритади.

15. Фанлар академияси Йўлланмаларни тақсимлаш режаси тасдиқлангандан сўнг уни ўн иш куни мобайнида санаторийларга етказди, йўлланмаларни расмийлаштиради ва уларни Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларига етказилишини таъминлайди.

Зарурат бўлганда, йил мобайнида Йўлланмаларни тақсимлаш режасига асосли сабаблардан (тиббий кўрсатма, киши рад этиши ва бошқа асосли сабаблар) келиб чиққан ҳолда ўзгартиришлар киритилиши мумкин. Ўзгартиришлар Фанлар академияси томонидан тегишли санаторийларнинг юқори турувчи вазирликлари, идоралари ва ташкилотлари билан келишилган ҳолда киритилади.

Бунда Фанлар академияси ҳар ойнинг 30-санасига қадар санаторийлар томонидан ўринлар ажратиши учун тузатишлар киритилган параметрларини санаторийларга етказди.

16. Йўлланмалар босмаҳона усулида босилган, тартиб рақамига эга бўлган махсус бланкаларда ва «Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси учун йўлланма» сўзлари ёзилган тегишли штамп билан тасдиқланади ҳамда уларда қайтарма талон бўлиши шарт.

17. Фанлар академияси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда йўлланмалар реестрини юритади.

18. Фанлар академияси Йўлланмаларни тақсимлаш режасига мувофиқ ҳар йили 15 январгача санаторийлар билан Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини соғломлаштириш юзасидан шартномалар тузади.

19. Санаторийлар билан тузилган шартномаларга мувофиқ санаторийлар Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ва уларни кузатувчи шахсларнинг қабул қилинишини таъминлайдилар.

20. Санаторийлар билан тузилган шартномалар шартлари тўлиқ бажарилишига, шунингдек кўрсатиладиган хизматлар сифати учун санаторийлар раҳбарлари шахсан масъулдирлар.

5-боб. Санаторийларга йўлланмаларни молиялаштириш

21. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ва кузатувчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун харажатларни молиялаштириш Фанлар академияси харажатларининг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган сметасида йўлланмалар учун тўловга ҳар йили мақсадли тартибда назарда тутиладиган бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

22. Санаторийлар ҳар ойнинг 5-қунигача ўтган ойда Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ва уларни кузатувчи шахслар амалда фойдаланган йўлланмалардан келиб чиқиб бажарилган ишлар далолатномалари ва ўзаро ҳисоб-китобларнинг таққослаш далолатномаларини Фанлар академиясига тақдим этиб, ҳисоб-китобларни амалга оширадилар.

Фанлар академиясига тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилиги ва асосланганлиги учун санаторийлар раҳбарлари шахсан масъулдирлар.

6-боб. Санаторийларда яшаш ва соғломлаштириш шартлари

23. Йўлланмадан фақат унда кўрсатилган Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси фойдаланиши мумкин. Йўлланманинг бошқа шахсга берилишига йўл қўйилмайди.

Ушбу талаб кузатувчиларга нисбатан қўлланилмайди.

24. Санаторийга келган Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ва кузатувчиларда паспорт, соғлиқни сақлаш муассасаси томонидан берилган санаторий-курорт картаси (тиббий хулоса) ва йўлланма бўлиши керак.

25. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ва кузатувчиларга «стандарт» ётоқхоналардан жой берилади.

Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ва кузатувчилар санаторийлардаги мавжуд қўшимча хизматлар учун белгиланган тўловларни ўз ҳисобидан амалга оширган ҳолда фойдаланишлари мумкин.

26. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ва кузатувчилар санаторийнинг даволовчи шифокори тайинлаган барча зарур тиббий муолажалар билан биринчи навбатда таъминланадилар.

27. Даволанишга келган Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзосига ва кузатувчига санаторий томонидан йўлланманинг қайтиш талони Фанлар академиясига топшириш учун берилади.

Йўлланманинг қайтиш талонида унинг фамилияси, исми ва отасининг исми, санаторийда амалда бўлган вақти кўрсатилади.

28. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини соғломлаштириш учун йўлланмаларни тасдиқланган режасига мувофиқ санаторийларда жойларнинг ажратилиши юзасидан санаторийлар раҳбарлари шахсан жавоб берадилар.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

29. Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ва кузатувчиларга берилган ва улар томонидан фойдаланилган йўлланмалар бўйича ҳисоб-китоб ва назорат Фанлар академияси томонидан олиб борилади.

30. Фанлар академияси санаторий йўлланмаларининг ўз вақтида ва мақсадли берилишини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзоларининг саломатлигини санаторий-соғломлаштириш ва курорт-соғломлаштириш муассасаларида мустаҳкамлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини ва уларни кузатувчиларни санаторийларга юбориш СХЕМАСИ

1-босқич	Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари	Кейинги йил учун санаторийга йўлланма олиш учун Фанлар академиясига зарур ҳужжатларни тақдим этадилар	ҳар йил 1 сентябргача
2-босқич	Фанлар академияси	Ариза берган Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларининг рўйхатини шакллантиради ва Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этади	ҳар йил 10 сентябргача
3-босқич	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Рўйхатни Фанлар академияси ҳақиқий аъзоларининг доимий яшаш жойидаги тиббиёт муассасаларига еткази	беш иш кунида
4-босқич	Тиббиёт муассасалари	Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини бепул диспансеризациядан ўтказиладилар ва унинг натижаларига кўра санаторийда соғломлаштиришнинг зарур йўналишини аниқлайдилар	бир ойда
5-босқич	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Тиббиёт муассасаларидан диспансеризациядан ўтган Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларини соғломлаштириш йўналишларини ва санаторийлар номларини кўрсатган ҳолда тузилган рўйхатни олади	ҳар йил 25 октябргача
		Рўйхатни Фанлар академиясига тақдим этади	беш иш кунида
6-босқич	Фанлар академияси	Ҳар бир санаторий бўйича келгуси йил учун йўлланмаларни тақсимлаш режасини ишлаб чиқади ва санаторийларнинг юқори турувчи вазирликлари, идоралари ва ташкилотлари билан келишилган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритади	ҳар йил 15 ноябргача
7-босқич	Вазирлар Маҳкамаси	Йўлланмаларни тақсимлаш режасини тасдиқлайди	
8-босқич	Фанлар академияси	Йўлланмаларни тақсимлаш режаси тасдиқлангандан сўнг уни санаторийларга еткази, йўлланмаларни расмийлаштиради ва Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоларига етказишни таъминлайди	ўн иш кунида
		Санаторийлар билан шартномалар тузади	ҳар йил 15 январгача
9-босқич	Санаторийлар	Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолари ва кузатувчиларни қабул қилиб олади	йил давомида

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

22 (782)-сон

— 133 —

429-модда

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳақиқий аъзоларининг саломатлигини санаторий-соғломлаштириш ва курорт-соғломлаштириш муассасаларида мустаҳкамлаш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси президентига

_____ да яшовчи
_____ дан
(ариза берувчининг Ф.И.О.)

АРИЗА

Менга _____ йил _____ ойига _____ санаторийсига
(санаторий номи)

йўлланма ажратишингизни сўрайман.

Аризага қуйидагиларни илова қиламан:

паспорт нусхаси;

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси;

кузатиб бораётган шахснинг паспорти нусхаси.

Бошқа ҳужжатлар: _____

Мурожаат қилувчининг имзоси: _____

Сана: 20__ йил «__» _____

Аризани рўйхатдан ўтказувчи

_____ (Аризани қабул қилган шахснинг Ф.И.О., лавозими)

Сана: 20__ йил «__» _____

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси
 ҳақиқий аъзоларнинг саломатлигини санаторий-
 соғломлаштириш ва курорт-соғломлаштириш
 муассасаларида мустаҳкамлаш тартиби
 тўғрисидаги низомга
 3-ИЛОВА

**Йўлланма сўраб ёзилган аризаларни рўйхатга олиш
 ДАФТАРИ**

Т/р	Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси ва уни кузатувчи шахснинг Ф.И.О.	Домий яшаш жойи	Тиббий маълумотноманинг тартиб рақами ва санаси, шунингдек тиббий маълумотномани берган муассасанинг номи	Тиббий маълумотномада кўрсатилган санаторийнинг номи	Санаторийнинг йўлланманинг тартиб рақами, йўлланманинг муддати	Йўлланма берган масъул ходимнинг Ф.И.О. ва имзоси	Йўлланма олган Фанлар академияси ҳақиқий аъзосининг имзоси	Санаторийга келиш куни	Санаторийдан кетиш куни
-----	---	-----------------	---	--	--	---	--	------------------------	-------------------------